



141100, Нурабад шаҳри, Мустақиллик кўчаси 2-қў,
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarqand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустақиллик, д.2
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarqand.uz

2017 йил «18» септ

№ 306-4

**Фукаро Чакконов Садриддинга
Меҳнаткаш МФЙ ҳудудидан
савдо ва маиший хизмат
кўрсатиш биноси қуриш учун
ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов савдолари юзасидан Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги №1 сонли баённомаси ижросини таъминлаш мақсадида Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг ҳулосаси ҳамда танлов ғолиби Чакконов Садриддиннинг аризасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг ҳулосаси тасдиқланиб танлов ғолиби Чакконов Садриддинга Меҳнаткаш МФЙ ҳудудидан танловга қўйилган 0,30 га ер майдонига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилиши учун ажратилсин.
2. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев), туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев) билан биргаликда ажратиладиган ер майдонида объект қурилишини лойиҳалаштириш, лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашда шунингдек қурилиш ишлари амалга ошириладиганда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши юзасидан назоратни таъминласинлар.
3. Танлов ғолиби Чакконов Садриддин икки ой муддат ичида вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси билан келишилган ҳолда АРТ ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиб, экспертиза ҳулосасини олиш ва ДАҚН инспекциясидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 4 (тўрт) ой муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиб бориш туман ҳокимининг ўринбосари М.Раимшукуров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов